

III БОБ 8-мавзу: ТУПРОҚНИ ШАМОЛ ВА СУВ ЭРОЗИЯСИДАН САҚЛАШ ТАДБИРЛАРИ ТИЗИМИ

Режа

2. Эрозия ҳавфи бор минтақалар. Халқ хўжалигининг ва айниқса қишлоқ хўжалигининг эрозиядан кўрадиган зарари.
3. Эрозияга қарши қўлланиладиган тадбирлар мажмуи

2. Эрозия ҳавфи бор минтақалар. Халқ хўжалигининг ва айниқса қишлоқ хўжалигининг эрозиядан кўрадиган зарари.

Ўзбекистон ҳудуди ўзига хос хусусиятга эга бўлган табиий ва иқтисодий омилларнинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Бу омиллар тупроқда эрозиянинг барча турларини вужудга келтириш салоҳиятига эга.

Маълумотларга кўра ҳозирги кунда республика бўйича 25,7 миллион гектар қишлоқ хўжалик ер турларининг 94 % дан кўпроғи (24,2 млн.га) ҳар хил даражада сув ва шамол эрозиясига учраган.

Республика Худудида Қишлоқ хўжалик ер турларининг ҳар – хил даражада эрозияга учраганлиги ҳақида маълумот

Т.р	Тупроғи ҳар – хил даражада эрозияга учраган ерлар	Жами ер майдони, млн.га	Минтақалар бўйича		
			суғориладиган	Суғориладиган (лалми)	Яйловлар
1	Сув эрозиясига	4100		700	3400
	Кучсиз	1480		310	1170
	Ўртача	1580		210	1370
	Кучли	1140		180	960
2	Ирригация эрозиясига	620	620		
	Кучсиз	380	380		
	Ўртача	190	190		
	Кучли	50	50		
3	Шамол эрозиясига	19500	1950	250	17300
	Кучсиз	2350	1020	220	1110
	Ўртача	11230	680	30	10520
	Кучли	5920	250	-	5670
	Республика бўйича хаммаси	24220	2570	950	20700

Республика ҳудудида тупроғи ҳар хил даражада сув эрозиясига учраган ерлар 4 млн гадан ортиқ, ёки суғорилмайдиган ерларнинг (лалми ва яйловлар билан бирга) 19 % ни ташкил этади. Айрим вилоятлар (Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё) да бу кўрсаткичлар 50 – 80 % гача етиб боради.

Сув эрозияси асосан тоғ – тоғ олди ва адир ерларнинг қияликларида вужудга келади. Бундай эрозия айниқса қияликларда жойлашган лалми ерларга жуда хавfli ҳисобланади.

Унинг хавfliлиги шундан иборатки у тупроқнинг устки қопламини ювиш (емирилиш) билан керакли озиқаларни олиб кетади.

Қумоқ тупроқларда ювилиш қиялик бурчаги $0,5 - 1^\circ$ бўлганда, қумлоқларда эса $1 - 2^\circ$ бошланади.

Эрозия жараёнининг интенсивлиги ёғингарчилик сув оқимининг ҳажми ва тез ўтиши билан боғлиқ.

Сув эрозияси натижасида вегетация даврида бир гектар ердан 40 – 80 тоннагача тупроқ заррачалари ювилиб кетиши мумкин.

Жадвалда келтирилганидек суғориладиган минтақаларда тарқалган ирригация эрозияси 620 минг гектар ёки суғориладиган майдоннинг тахминан 18 % ни ташкил этади. Бу тоифадаги эрозия суғориш режимининг бузилиши, нормал суғориш техникасини таъминланмаслиги натижасида пайдо бўлади.

Сув (ирригация) эрозиясининг энг хавfli ўтиш шаклларида бири – жар-ликлар пайдо бўлиши. Камбар ерларда сув оқимининг кучайиши натижасида чизиқли (вертикал) эрозия пайдо бўлади, унинг натижаси эса жарликдир.

Республика халқ хўжалигига катта хавф соладиган эрозия – бу сел оқими. Сел оқими катта емирувчи кучга эга ва тўсатдан (кутилмаганда) пайдо бўлиши билан тавсифланади.

Нисбатан катта хавф соладиган сел оқими хавзалари Фарғона водийси тоғлари қиялигида, бир қанча сел оқими марказ (очаг) лари эса Самарқанд, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларининг тоғли минтақаларида жойлашган.

Эрозиядан халқ хўжалиги айниқса қишлоқ хўжалиги катта зарар кўради.

Юқорида айтилган эрозиянинг хиллари ичида Республика ҳудудида энг кўп тарқалгани - бу шамол эрозияси. Бу эрозия ҳозирги кунда 19,5 млн. га. май-донга тарқалган, яъни қишлоқ хўжалик ер турларининг 76 % ни ташкил этади.


Кучли шамол таъсири остидаги ерлар: ғарбий ва марказий Фарғона; Мирзачўлнинг жанубий – шарқи (Ховос, Бекобод, Далварзин ва бошқалар); Қарши чўли; Бухоро ва Термез воҳалари.

Шамол тупроқ заррачаларини учириб кетиш билан бирга экинларга ҳам салбий таъсир қилади, айниқса бу ўринда маҳаллий халқ ўртасида «гаримсел» номи билан танилган иссиқ шамол вегетациянинг биринчи ярмида экинлар ҳосилини тўкиб юбориш ўсимликларни қуритиш имкониятига эга.

Масалан: М.Н.Заславскийнинг маълумотиغا кўра кучли ювилган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги 80 - 90 % гача камайиши мумкин. (жадвал-4).

Жадвал-4. Тупроқнинг ювилиш даражаси билан боғлиқ экинлар ҳосилдорлигининг пасайиши

Т. р	Тупроқнинг ювилиш даражаси	Таркибида чи-ринди микдори,%	Экинларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичи, %
	Ювилмаган	100	100
	Кам ювилган	90 - 80	80 - 60
	Ўртача ювилган	80 - 60	60 - 30
	Кучли ювилган	60 - 40	30 - 20
	Жуда кучли ювилган	< 40	< 20



Шамол эрозиясининг салбий таъсири ҳам тахминан жадвалдаги маълумотларга яқин келади. Ҳисобга кўра сув (ирригация) ва шамол эрозиясига хавfli бўлган қишлоқ хўжалик корхоналари ерида ҳосилдорликнинг пасайиши натижасида ҳар йили юзлаб тонналаб ўсимлик ва чорва маҳсулотларини олиш имконияти бўлмайди.

Эрозия натижасида олинадиган ҳосилнинг миқдори фақатгина камайиб қолмасдан, унинг сифати ҳам пасаяди.

Сув эрозиясининг кучли ўтиши, айниқса сел оқими кўринишидаги эрозия натижасида йўл тармоқлари, гидротехник иншоотлар, саноат корхоналари иш-дан чиқади, вайронага айланади, аҳоли пунктлари емирилади.

Кучли бўрон таъ-сирида сув ва ҳаво транспортининг ҳаракати вақтинча тўхтайдди, одамларнинг саломатлиги хавф остида бўлади.

Ҳамма хилдаги эрозиянинг олдини олиш ёки тўхтатиш, шамолнинг салбий ҳаракатини юмшатиш фақат тегишли тадбирлар мажмуини мунтазам ва мажбурий равишда олиб борилгандагина таъминла-ниши мумкин.

3. Эрозияга қарши қўлланиладиган тадбирлар мажмуи

Тупроқни тезлашган эрозиядан сақлаш мақсадида қўлланиладиган тадбирлар сон-саноксиз.

Бу тадбирларни бир тизимга келтириш мақсадида уларни асосан тўрт гуруҳга бириктирилган:

ташкилий-хўжалик;

махсус агротехник;

ўрмон мелиоратив;

махсус гидротехник.

Ташкилий-хўжалик тадбирларнинг мазмуни тўла тўқис эрозияга қарши ҳудудни ташкил этиш лойиҳасининг мазмунидан иборат бўлганлиги сабабли, уларни мавзунинг охирида қисқача ёритилди.

Бу айтилган тўрт гуруҳ қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини олиб бориш тизимида махсус тадбирлар тоифасига киради.

Тупроқни эрозиядан сақлашда қарши қўлланадиган **махсус агротехник тадбирлар**. Агротехник тадбирлар нисбатан содда ва арзон ҳисобланади. Улар ҳар қандай хўжаликларда ҳам фойдаланишга яроқли. Шунинг учун ҳам эрозияга қарши тадбирлар орасида биринчи ўринда туради.

Тупроқни эрозиядан сақлашда қўлланадиган агротехник усулларни икки гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга одатдаги агротехник ишлов беришлар киради,

яъни: тупроқни чуқур ҳайдаш;

тупроққа ишлов беришни ва экинлар экишни қияликка кўндаланг қилиб ўтказиш,

қор қатламини сақлаш (ва ҳ. к). Бу тадбирлар махсус харажатни талаб қилмайди.

Иккинчи гуруҳга тупроқда намликни сақлашга қаратилган ишлов беришлар киради,

яъни: эгатлаш – бороздование;

микролиманлар барпо қилиш;

ҳайдалган ерда валиклар ташкил қилиш;

тупроққа «плоскорез» ёрдамида ишлов бериш;

экинларни тасма қилиб жойлаштириш. (ва ҳ.к.).


Мелиоратив ўрмон тадбирлар.

Мелиоратив ўрмон дарахтлари ўтқазуви тизимини лойиҳалашга қаратилган. Бу тизим таркибига куйидаги асосий ўтқазувлар

киради:
- далаларни иҳота (ҳимоя) лайдиган ўрмон дарахтлари чизими;

- сув оқимини тартибга солувчи ўрмон дарахтлари чизими;

- жарлик ва дара (балка) лар атрофидаги ўрмон дарахтлари чизими ва бошқалар.





Этиборингиз учун рахмат!!!